

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни

ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Маълумки, ҳар бир давлатнинг тараққий этишида унинг ҳуқуқий мезони – Конституцияси муҳим роль ўйнайди. Шу боис, Конституция жамиятнинг қон томири вазифасини бажаради, десак муболаға бўлмайди.

Ҳар қандай жамият ўз тараққиёт йўлини белгилаб, узоқни кўзлаб, олға интилар экан, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини халқ хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган Асосий Қонунга таяниб юрилади. Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар айнан мазкур ҳужжат асосида амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз мустақиллигининг мазмун-моҳияти Конституциямизда муфассал ифодасини топгани билан аҳамиятлидир.

Буюк аждодларимизнинг давлатчиликни мус-

нинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: "Конституциямизда бизнинг бош мақсадимиз фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият қуриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу мақсад ҳаётимизда мустаҳкам қарор топган оддий ҳақиқатдан, яъни халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди, деган сўзларни яққол тушунишдан келиб чиққан, десам ўйламанки, бутун эл-юртимизнинг фикрини ифода этган бўламан".

Давоми 2-бетда. ➡

Бугун ҳар бир маҳаллада ўнлаб оилалар, оддий одамлар ўз бизнесини йўлга қўйиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда, ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда, демакки, юрт ривожига ҳисса қўшмоқда. Кечагина касб-ҳунар коллежини битирган ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида катта режалар тузаётганини кўриб, айниқса, қувонасан киши.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда тадбиркору ишбилармонлар қўллаб-қувватланиб, уларга барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганининг самарасидир. Таъбир жоиз бўлса, қийралик Нигора Каримова ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, ойдин йўлга чиқиб бораётган ёш тадбиркорлардан биридир.

– Бирор ишга иштиёқ билан киришган одамга билдирилган арзимас далда, кўрсатилган рағбат ҳам катта куч-ғайрат бағишлар экан, – дейди Нигора. –

«КЕЛИНЧАК»НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Оилавий бизнес



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежиде таҳсил олаётган йилларимдаёқ тадбиркорлик билан шуғулланишни ди-

лимга тугиб қўйган эдим. Отанам: "Ҳар қандай касбни пухта эгаллаш учун одамда, аввало, етарли билим ва кўникма бў-

лиши керак", деб ўқишни олий ўқув юртида давом эттиришимга шароит яратиб беришди.

Давоми 2-бетда. ➡

АНЪАНАЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифа ва йўналишларни амалга оширишда касаба уюшмалари ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

Буни вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввало, жойларда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, бола тарбиясида уларнинг ролини ошириш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни воғга етказишга йўналтирилган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро конвенцияларга амал қилинишга алоҳида эътибор қаратилади.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини сақлаш ва психофизиологик аҳолини яхшилаш, ёш она-

лар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш ҳам касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан олиб борилаётган йўналишнинг энг муҳим бўғинларидан биридир. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди. Масалан, жорий йилда 133 нафар аёл касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Ёш оилаларнинг 19 нафар аъзосига "Умид гулшани" санаторийсига йўланмалар ажратилди.

Кенгаш дастуридан олиш ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш алоҳида ўрин олган.

Шулар эътиборга олинган ҳолда, жорий йилда чекка қишлоқларда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 322 нафар бекасига уй-рўзгор ишларини юртида зарур бўладиган электр-маиший техника ва бошқа товарлар бепул берилди.

Соғлом авлодни шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган хотин-қизларнинг турли касалликка чалинишининг олдини олиш юзасидан ҳам комплекс профилактика чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида қўйи касаба уюшмалари ташкилотлари ташаббуси билан қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 217 минг 919 нафар хотин-қизнинг чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилгани бунга мисол.

Давоми 2-бетда. ➡

Сайлов – 2016

ЎЗ КЕЛАЖАГИМ УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

Олмалиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи марта овоз берувчи ёшлар иштирокида "Келажагим учун овоз бераман" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Д. Каримов. – Вилоятда 45 минг 355 сайловчи мазкур тадбирларда биринчи марта иштирок этиши қутлалётганини инобатга олиб, турли акциялар ташкил қилинмоқда. "Мен биринчи марта овоз бераман", "Келажагим учун овоз бераман", "Менинг овозим аҳамиятга эга", "Сайлаш – менинг ҳуқуқим", "Мен сайловда фаол иштирок

этаман!", "Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз" мавзуларидаги тарғибот тадбирлари сайловда биринчи марта қатнашадиган ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашнинг таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбирда мутахассислар ёшларни бундай имкониятлардан, хусусан, Бош қомусимизда белгилаб қўйилган сайлаш ҳуқуқидан самарали фойдаланишга қақирди.

И. АВВАЛОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

Мавсумга тайёرمىсиз?

Олмалиқ шаҳрида мавжуд кўп қаватли уй-жойларни 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлашнинг аҳоли муҳофазасига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

ДАСТУР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Тадбирда таъкидлаганидек, шаҳарда 635 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, улардан 296 тасига "Олмалиқ КМК" акциядорлик жамияти, қолган 339 тасига 36 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади. Мавсумга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш мақсадида махсус дастур тузилиб, унга қатъий амал қилган ҳолда иш юритилмоқда. Дастур ижросини таъминлаш учун назорат тизими яратилиб, шаҳар ҳокимлигида штаб ташкил этилди. Мониторинг ва таҳлил гуруҳларига коммунал соҳа мутахассислари жалб этилиб, дастур бўйича бажарилган ишларнинг ҳаққонийлиги ва сифати текширилиб, натижалари штабга тақдим этиб борилмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

БАҒРИКЕНГЛИК – ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Кечиримлик – халқимизга хос фазилат. Бундай бағрикенглик билиб-билмай жиноят кўчасига қилиб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикасининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори замирида ҳам шундай чин инсонпарварлик мужассам.

Қарор ва ижро

Вилоят ҳокимлигида мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тегшли мутасадди бошқарма ва ташкилотлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидлаганидек, инсон манфаатларини таъминлаш давлатимиз ва жамиятимизнинг бош мақсадидир. Истиқлол йилларида халқимизга хос, умуминсоний қадриятларга мос бўлган инсонпарварлик тамойиллари ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш

юзасидан бутун республикада бўлгани каби вилоятимизда ҳам кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жазони ижро этиш муассасаларида озод этиладиган фуқароларга жами 351 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилган. Шунингдек, уларни иш билан таъминлаш мақсадида 500 та бўш иш ўринлари тақлиф этилмоқда.

– Амнистия акти катта профилактик, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга, – дейди вилоят Меҳнат бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сирожиiddин Бобоқулов. – Қарорда муайян тоифадаги

шахсларни нафақат жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, балки уларни даволаш, бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш борасидаги қатор муҳим тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Энг муҳими, уларнинг келгусида жамият равақига йўлида ҳалол меҳнат қилиб, тўғри йўлдан оғмаслиги учун жамоатчилик имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Қаршиев иштирок этди.

ЎЗ мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.



18 ноябрь – Ўзбекистон
Республикаси Давлат байроғи
қабул қилинган кун

ФАҲРУ ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Халқаро мусобақаларда голиб спортчиларимиз шарафига Ўзбекистонимиз байроғи кўтариладиган музаффар онларга гувоҳ бўлганмиз? Узоққа бормайлик, яқиндагина Рио де-Жанейрода бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида байроғимизни қайта-қайта баланд ҳилпираб, уни бошига кўтариб, қувонч ёшларини яширолмаган чемпионларимизга боқиб, кўнглингиздан қандай туйғулар кечди?

Ҳа, муқаддас байроғимизнинг оҳанрабо, сеҳри бор. У халқимизнинг асрий орзуси, эрки, озодлиги, таъбир жоиз бўлса, ғурури, номус ва ори! Байроғимиз мустақиллиқнинг илк даврида – 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинди ва ҳурлигимиз, эркин озодлигимиз рамзи бўлиб ҳилпирай бошлади. Унинг кўриниши, мовий, оқ, яшил, қизил рангларнинг муносиблиги, ой ва юлдузлари нақадар жозибдор. Юзлаб мамлакатларнинг байроқлари орасида нафислиги, ҳар бир рангига белгиларида эзгу ният-мақсадлар мужассамлиги билан юракларимизни чуқур ҳаяжон, ғурур ва ифтихорга тўлдирадиган тимсолимиз қадри-мизни осмон қадар юксалтириб ҳилпирамоқда.

Унга боқиб, "Давлатимиз рамзлари" китобидаги изоҳлар ёдга тушади. Яъни, мовий ранг – тириклик мазмунини акс этган мангу осмон ва обихаёт рамзи. Оқ ранг – муқаддас тинчлик, беғуборлик ва софлик, яшил ранг – она табиятдаги янгила-

ниш, навқиронлик, эзгу орзулар рўёбига кенг йўл очилгани, қизил ранг эса, шу орзулар сари интилаётган вужудларда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ғирмоқлари... Чуқур мулоҳаза, кенг мушоҳада ва яқдиллик билан қабул қилинган байроғимиздаги ой ва ўн икки юлдуз эса, тарихий аъналаримиз ва маданиятимизнинг қадимийлигини, имилликка, саодатга интилишни ифодалайди.

Демак, халқимиз, миллитимиз ғурури, номус ва ори, халқаро майдондаги обрў-этибори ва қадрини ифода қиладиган давлатимиз тимсоли – муқаддас байроғимизни авайлаб-ардоқлаш, уни ўрнатишда белгиланган қоидаларга амал қилиш, гард юқтирмай эъзозлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчини бўлмоғи керак. Зеро, унинг жаҳон айвони пештоқида, Ватанимиз кўшиқда, ҳар бир муносиб ташкилот ва муассасаларда мағрур ҳилпираб туриши бизнинг борлигимиз ифодасидир.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Уларнинг салкам 57 минг нафарини касб-хунар коллежи битирувчилари ташкил этади. Кўрик натижалари бўйича кўмак ва муолажага муҳтож ишчи-хизматчиларга зарур тиббий ва моддий ёрдамлар кўрсатилди.

– Вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури асосида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда, – дейди виллоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Ш. Собиров. – Хусусан, хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш, корхона ва ташкилотларда улар учун зарур шароитлар яратиш, янги иш ўринлари барпо этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, оилада соғлом маънавий муҳитни яратиш, ёшларни миллий анъаналаримизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, спортга кенг жалб қилиш сингари муҳим масалаларга алоҳида эътибор

Бундан ташқари, Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш доирасида, жамоа шартномалари ва қилишувлари орқали корхоналардаги 71 та ёш оилага зарур товарлар харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш учун фойсиз ссудалар ажра-



ри билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги, айниқса, ўзининг катта самаларини бермоқда. Бу ҳамкорлик касба уюшмалари келиб тушаётган мурожаатлар ечимини топишда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ўтган даврда ишловчи аёллардан келиб тушган жами 144 мурожаатнинг барчаси ўз вақтида қўриб чикилди, уларнинг асосий

қисми тегишли идора ва ташкилотлар кўмагида ижобий ҳал этилди. Хозирда касба уюшмалари кенгашлари ва унинг ҳудудий бўлиmlари органлари, хотин-қизлар ва ёшлар бирлашмалари, фахрийлар ташкилотла-

чилари учун қўшимча 25 тадан янги иш ўринлари яратиш ташаббуси қўллаб-қўллаш доирасида иш билан таъминлаш имконини берди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар ва вақтинча банд бўлмаган аҳоли учун 450 иш ўрни яратилди.

Ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этиш, ҳудудларда янги спорт объектларини қуриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт анжомлари билан жиҳозлаш йўналишидаги ишларга ҳам муносоиб ҳисса қўшилмоқда.

Болаларни ёзги мавсумда дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари бирлашма Кенгаши-

нинг энг катта вазифаларидан бири саналади. Шу мақсадда жорий йил ёз мавсуми давомида бирлашма Кенгаши тасарруфидаги 20 та бола-лар соғломлаштириш оромгоҳларида 16 минг 20 нафар, виллоят умум-

таълим мактабларида ташкил этилган 130 та кундузги оромгоҳларда эса 17 минг 600 нафар бола дам олдирилди. 775 нафар меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, маҳаллалардаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 1874 нафар фарзандлари жамоа шартномалари ва қилишувлари орқали бепул соғломлаштирилди.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан турли йўналишда ташкил этилаётган тадбирлар ва спорт мусобақалари эътиборга молик. Хусусан, бу йил "Соғлом оила" шиори остида ташкил этилган оилавий спорт мусобақасида виллоятнинг барча корхона, ташкилот ва муассасаларида ишловчи мингдан ортиқ оила қамраб олинди. Ушбу мусобақаларнинг қолиби ва

иштирокчилари бирлашма Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда, санаторийларда мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар, маданий кечалар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкил этилмоқда. Масалан, "Соғлом она – соғлом бола" шиори остида "Соғлом она ва бола – бахтли оила асоси, бахтли оила – фаровон жамият асоси", "Аёли қадрланган диёр", "Аёл борки олам мунаввар", "Аёл – оила қўргони ва чароғбони" каби мавзуларда тадбирлар ўтказилиб, уларда аҳолининг 15 мингдан ортиқ вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Бундай кенг миқёсда олиб борилаётган сайёҳаракатлар, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг муваффақиятли амалга оширилиши келажак авлоднинг ҳар томонлама соғлом воғва этишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Вилоят бўйлаб

ҚИШДА ҲАМ АРЗОНЧИЛИК БЎЛАДИ

Виллоятимизда 2016-2017 йиллар қиш-баҳор ойларида аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва ички истеъмол бозорида нарх-наво барқарор бўлишини таъминлаш мақсадида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини захира омборларида сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумотларга кўра, бу мавсум учун виллоят бўйича 63 минг тоннадан зиёд мева, картошка, пиез, сабзи ва бошқа асосий маҳсулотларни қамлаш белгиланган. Бунинг учун давлат бюджети ва тижорат банклари томонидан 17 миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратилди.

Шунингдек, мева-сабзавотларни сифатли сақлашни таъминлаш мақсадида замонавий совутиш камераларидаги носозлик ва камчиликлар бартараф этилди. Айни кунгача, ушбу камера-ларга 62 минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жамғарилди. Хозирги кунда яна 1500 тоннадан кўпроқ мева-чева, полиз ва дук-какли экинлар ҳосилини қамлаш давом этмоқда.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БОШ ҚОМУСИМИЗ ЎРГАНИЛМОҚДА

Айни кунларда виллоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-нинг 24 йиллигига бағишланган тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Ангрен шаҳридаги 22-умумтаълим мактабида ташкил этилди. Унда "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ҳудуддаги таълим муассасаларининг ўқувчи-ёшлари иштирок этди.

– Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти, уни янада чуқурроқ ўрганиш ҳақида сўз юритилган мазкур тадбирда ўқувчиларимиз фаол иштирок этди, – дейди директор ўринбосари Солиё Рафурова. – Мухими, уларнинг Конституциямизга оид билим ва кўникмалари янада ошди.

"Сиз қонунни биласизми?" мавзусидаги ушбу тадбир доирасида иншолар танлови ҳам ўтказилди. Танловда таълим дарғоҳининг 9-синф ўқувчиси Севинч Омоналиева (рус тили), 8-синф ўқувчиси Нозима Азизова (ўзбек тили) биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорлар рағбатлантирилди.
Сардор ХЎҲАЕВ.

ГУЛЁРА – ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБАСИ

Яқинда Малайзияда спортнинг таэквондо (WTF) йўналиши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Ўттизга яқин мамлакатнинг энг тажрибали спортчилари иштирокидаги беллашуларда юртимиз таэквондочилари муваффақиятли қатнашиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Терма жамоамизнинг ушбу ютуғига "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти "Ёшлик" спорт-соғломлаштириш мажмуаси тарбияланувчиси Гулёра Эргашева ҳам муносиб ҳисса қўлди. У таэквондонинг тегишли йўналишлари бўйича 9-11 ёшли қизлар ўртасидаги баҳсларда биринчи ва иккинчи ўринларга сазовор бўлди.

Ўз мухбиримиз.

ДАСТУР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Дастурда белгиланган вазифалар вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун тижорат банклари 1 миллиард 900 миллион сўм кредит ажратди. Ушбу маблағларнинг мақсади сарфланишини кузатиб бориш мақсадида ҳар бир ширкатга банк ҳодими бириктирилди. Шунингдек, ушбу банк вакиллари шир-

«Бошланғич 1-бета».

катларнинг дебитор қарзларини ундиришга кўмаклашмоқдалар. Семинар-тренингда 625 та кўп қаватли уйлар 2016-2017 йиллар кузги мавсумида марказлашган иссиқлик энергияси билан тўлиқ таъминланиши таъкидланди. Қолган 10 та уйни иссиқлик тизимига улаш 2017 йил дастурига киритила-

диган бўлди. 635 та кўп қаватли уйларнинг ҳаммаси табиий газ, совуқ сув ва канализация тизимига уланган. Бундан ташқари, ҳар бир кварталда қишин-ёзин иссиқ сув бўлади.

Тадбирда ютуқлар билан бирга айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича

таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Семинар-тренинг доирасида иштирокчилар шаҳардаги намунали ширкатлар фаолияти билан танишди. Шунингдек, энг фаол хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

Дилфуза РЎЗИЕВА.

ХИЗМАТ ВА ҲИММАТ

Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикасида Тиббий-ижтимоий патронаж тизимининг ташкил топганига 20 йил тўлиши ҳамда тиббиёт ҳодимлари кўни муносабати билан "Соғлом авлод – юрт келажиги" республика конференцияси ташкил этилди.

Сарҳисоб

Тадбирда Соғлиқни сақлаш ва Мудофаа вазирликлари вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, тиббий-ижтимоий патронаж тизими мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида кўча тиббий-ижтимоий

ёрдам бригадалари томонидан 4 миллиондан ортиқ аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган. Шунлардан 1 миллион 972 мингдан ортиғи аёллар, 1 миллион 131 мингдан зиёди болалардир. Биргина 2016 йилнинг шу даврига қадар республика миқёсида 3 мингдан ортиқ оилаларга манзилли равишда мурувват ёрдамлари етказиб берилди. Шунингдек, 1323 на-

ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Бошланғич 1-бета».

Демократиянинг энг биринчи шарт бўлиши ҳокимиятлар бўлишини конституциявий тамойиллар асосида мустаҳкамлаш мақсадида Конституциямизга давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – мамлакат Президенти, парламенти, ҳукумат ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар тақсими толиқ мувофиқлаштиришни таъминлашга қаратилган тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди.

Халқ ҳокимияти деганда, бутун ҳокимият амалда ва юридик жиҳатдан халқники экани эътироф этилади. Хусусан, Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Жамият ва халқ манфаатларининг уйғунлашуви республикада истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар фаровон турмуш кечиришини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Конституциямизнинг 18-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт" дейилади. Мазкур қоидалар халқаро меъёрларда қабул қилинган ҳужжатлардаги нормаларни ўзида мужассам этганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Қонунларга ҳурмат билан қараш, уни чуқур англаб етиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Шу боис аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш муҳим ўрин тутди.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ "...Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар". Дарҳақиқат, қонун устуворлиги барча фуқаролар ва мансабдор шахсларга тегишлидир.

Конституция мустақиллик ғояси билан суғорилган бўлиб, унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий асослари ва давлат ҳокимиятининг бошқарув тизими қоида ва тамойиллари мужассамлашган. Бу Ўзбекистонимизнинг янада раванқ топиши, гуллаб-яшнаши, унинг буюк келажиги учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида дадил одимлаётган экан, бунда Конституциянинг ўрни ва роли беқийс. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистоннинг бугунги салоҳиятини кенг эътироф этаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Ҳаким АЗИМОВ,
Тошкент Давлат юридик институти доценти, тарих фанлари номзоди.

Анжуман

Виллоят давлат солиқ бошқармасида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти виллоят ҳудудий бўлини маси, "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати виллоят кенгаши ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳодимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида тадбиркорларимизга яратилган имкониятлар самараси ўлароқ, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шиддат билан ривожланмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозорларимиз тўкинлиги, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш ва тур-

ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

муш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Қайд этилганидек, соҳа ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самараси тадбиркорлик субъектларининг эмин-эркин иш юритиши учун кенг имкониятлар яратиш баробарида, улар фаолиятига доир текширишлар сонини муттасил қисқартириб боришда, яққол намоян бўлмоқда. Хусусан, амалдаги текшириш қоидаларга киритилган



«КЕЛИНЧАК»НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Шу тариха Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига ҳужжат топшириб, ўқишга қабул қилиндим. Ҳақиқатан ҳам, бу йиллар бесамар кетмади. Танлаган соҳам бўйича устозларимдан сабоқ олиб, чуқур назарий билимга эга бўлдим, тажриба орттирдим. Бу бизнес ғояларимни амалга оширишда жуда катта мадд бўлди.

Тадбиркор қиз кредит олиб, ўзи истиқомат қилаётган Зебунисо номидаги маҳалла фуқаролар йиғини қошида "Келинчак" мода ва дизайн уйини очмоқчи бўлганини айтганда: "Қишлоқда модалар уйи кимга керак", дегувчилар ҳам топилиди.

Лекин, унинг бизнес режаси ҳудудга янгилик олиб кирди. Бу ерда тайёрланаётган либослар, кўрсатилаётган хизматлар аҳолига, айниқса, хотин-қизларга манзур бўла бошлади. Корхонанинг доверуғи довол ошиб, "Келинчак"ка қўшни қишлоқлардан

ҳам мурожаатлар туша бошлади. Даровке, бу ерда маҳалланинг 6 нафар аёли доимий иш жойига эга бўлди.

Н. Каримова ўз фаолиятини янада кенгайтириш учун изланишда давом этмоқда. У хотин-қизлар кўмитаси тавсияси билан ўтган йили "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловида иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олди. Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ўтказилган "Тадбиркор аёл" танловининг виллоят босқичида "Саноат соҳасидаги энг яхши тадбиркор аёл" номинацияси ғолиби бўлиб ва махсус диплом билан тақдирланди.

Бугун юртимизда ишлайман, деганга барча шароит имконият бор. Айниқса, ёшларга ҳамма йўл очик. Ташаббуслар, янгиликлар соҳиб Нигора Каримова айтганидек, бундай қулайликлардан фойдаланиш, эл-юртга наф келтириш – катта бахт.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

«Бошланғич 1-бета».

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!
Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини
тўғридан-тўғри музокаралар (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий майdonи (кв.м.)	Умумий ер майdonи (га)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Савдо кўни 2016 йил 13 декабрь соат 11.00 да
1	«Туркистон» маданият уйи биноси	198,18	0,0215	Зангиота тумани, Назарбек кўрғони, «Ғишчилар» маҳалласи	Зангиота тумани ҳокимлиги	143 032 000,0	71 516 000,0 (50 фоизга камайтирилган)
2	ФАП бино-иншоотлари	91,18	0,0091	Зангиота тумани, Назарбек кўрғони, «Ғишчилар» маҳалласи	Зангиота тумани ҳокимлиги	72 279 000,0	36 139 500,0 (50 фоизга камайтирилган)
3	Солиқ инспекциясининг фойдаланишда бўлмаган маъмурий биноси	900,37	0,22	Янгийўл тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 1-уй	Янгийўл тумани давлат солиқ инспекцияси	3 240 409 517,0	1 620 204 758,5 (50 фоизга камайтирилган)
4	Собиқ 23-сонли мактаб бино ва иншоотлари	819,88	0,49	Бўқа тумани, Қашқадарё ф/у ҳудуди	Бўқа тумани ҳокимлиги	526 652 665,0	263 326 332,5 (50 фоизга камайтирилган)
5	Болалар боғчаси бино ва иншоотлари	776,65	0,65	Бўқа тумани, Туркистон ф/у ҳудуди	Бўқа тумани ҳокимлиги	845 091 856,0	422 545 928,0 (50 фоизга камайтирилган)
6	Товоқсой иқтисодиёт ва талдиркорлик коллежи «Нотуғар бино»	1743,36	1,283	Бўстонлиқ тумани, Парос ҚФЙ, Элбек кўчаси, 22-уй	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	2 763 877 041,0	1 381 938 520,5 (50 фоизга камайтирилган)
7	«Нотуғар бино» (бўш турган шонерлар уйи биноси)	454,25	0,23	Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ ҚФЙ ҳудуди	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	433 425 000,0	216 712 500,0 (50 фоизга камайтирилган)
8	Бўш турган автостанция биноси	137	0,05	Бўстонлиқ тумани, «Чорбоғ» ҚФЙ ҳудуди	«Тошкент вилояти бош бекатлар ва йўловчи шоҳ бекатлари ишлаб чиқариш» ДУК	188 200 000,0	94 100 000,0 (50 фоизга камайтирилган)
9	Нон заводи биноси	1365,28	0,4847	Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳри	«Бўстонлиқ таъминот савдо» ДУК	2 367 860 000,0	1 183 930 000,0 (50 фоизга камайтирилган)
10	Жанубий кон бошқармасининг «Цигирик» бойитиш фабрикаси	17718,87	17,7318	Ангрен шаҳри, Цигирик кўрғони ҳудуди	«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси	9 419 990 000,0	4 709 995 000,0 (50 фоизга камайтирилган)
11	5-сонли мактабга қарашли болалар боғчаси бино ва иншоотлари	1150,48	0,40	Куйи Чирчиқ тумани, Майдонгол ҚФЙ, «Дўстлик» маҳалласи	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	963 801 000,0	481 900 500,0 (50 фоизга камайтирилган)
12	Собиқ болалар боғчаси бино ва иншоотлари	711,48	0,24	Куйи Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, «Беруний» ФХУ, Нурбой ота қишлоғи	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	849 906 000,0	424 953 000,0 (50 фоизга камайтирилган)
13	3-сонли терапия бўлими бино ва иншоотлари	2983,52	3,3101	Куйи Чирчиқ тумани, Беруний массиви	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1 258 074 000,0	629 037 000,0 (50 фоизга камайтирилган)

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдидан сотувчининг куйидаги банк реквизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси: Ғазначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, ИНН 200555539.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХХКМ х/р: 23402000300100001010, ИНН 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларида қатнашишга буюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошлангич ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

Оммавий оферта савдоларини ўтказишнинг дастлабки кун 2016 йил 13 декабрь ва офертанинг ҳар 15 кунда бир мартаба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 28 декабрь, 2017 йил 12 январь, 27 январь, 13 февраль, 28 февраль, 15 март, 30 март, 14 апрель, 1 май, 16 май ва 31 май кунлари соат 11.00 да.

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини қўриб чиқиш борасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Давлат статистика тизимида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 386-сонли «Вазирлик ва идоралар, ҳужжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг» «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»

ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида» ги қарорига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш натижадорлигини янада ошириш асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушадиган мурожаатларни қўриб чиқиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилояти статистика бошқармасининг махсус ишчи гуруҳи тузилган.

Вилоят статистика бошқармаси ва ҳудудий статистика бўлимларига ҳамада тадбиркорлар учун ҳар кун соат 9.00 дан 12.00 гача шахсий қабуллар ташкил этилмоқда.

Ягона интерактив давлат хизматлари my.gov.uz порталида «davlat organlari qabuliyati qabuliga yozilish» sahifasi orqali Davlat statistika qumitasi rahbariyatiga onlayn tarzda e'ziliishga imkoniyat mavjud.

Давлат статистика органлари билан узаро муносабатларда юзага келган ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолари

масалалар ҳамда давлат статистика органлари фаолиятини, шу жумладан, электрон шаклда хисобот тақдим этиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тақдирлар бўйича тўғридан-тўғри (0371) 230-86-57 телефон рақами орқали Тошкент вилояти статистика бошқармасининг раҳбариятига мурожаат қилишнинг, www.toshvilstat.uz расмий веб сайтидаги мурожаатларни қабул қилиш sahifasida joylashtirilgan virtual qabulxona orqali murojaatlarni yuborishning imkoniyati mavjud.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ
ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ
АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Кафедра мудири:

1. Ўзбек тили, педагогика ва психология кафедраси; 2. Мевачилик ва узумчилик кафедраси; 3. Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси.

Профессорлар:

1. Ўсимликшунослик кафедраси; 2. Деҳқончилик ва к/х мелиорация асослари кафедраси (0,5); 3. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси (0,5); 4. Қишлоқ ҳўжалиги махсусотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси (0,5); 5. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси; 6. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; 7. Ботаника ва агробиотехнология кафедраси; 8. Гуманитар фанлар кафедраси; 9. Қишлоқ ҳўжалиги машиналари кафедраси; 10. Қишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); 11. Қишлоқ ҳўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси; 12. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси; 13. Ветеринария кафедраси (0,5); 14. Зоотехния кафедраси (0,75); 15. Доривор ўсимликлар ва экология кафедраси (0,5).

Доцентлар:

1. Ўсимликшунослик кафедраси; 2. Деҳқончилик ва к/х мелиорация асослари кафедраси; 3. Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси; 4. Қишлоқ ҳўжалиги махсусотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси кафедраси; 5. Мевачилик ва узумчилик кафедраси; 6. Олий математика, физика ва кимё кафедраси; 7. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси; 8. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; 9. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини кафедраси; 10. Ботаника ва агробиотехнология кафедраси; 11. Гуманитар фанлар кафедраси; 12. Қишлоқ ҳўжалик машиналари кафедраси; 13. Қишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервисни ташкил этиш кафедраси (0,75); 14. Қишлоқ ҳўжалигида электр энергетика ва электротехнологиялар кафедраси (0,5); 15. Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси (0,75); 16. Ипакчилик ва тутчилик кафедраси (0,5); 17. Ветеринария кафедраси; 18. Зоотехния кафедраси (0,75); 19. Жисмоний маданият ва спорт кафедраси (валиология) (0,5); 20. Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси; 21. Доривор ўсимликлар ва экология кафедраси (0,5); 22. Қишлоқ ҳўжалигида менежмент кафедраси; 23. Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти ва маркетинги кафедраси; 24. Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси (0,5); 25. Қишлоқ ҳўжалигида менежмент кафедраси.

Ҳужжатлар куйидаги манзилга топширилади:
100140, Тошкент-140, Тошкент Давлат аграр университети,
бош бино, 2-қават, илмий кенгаш. Телефон: 260-42-73.

Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш

Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида

йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссия"нинг

2016 йил 14 ноябрдаги 40-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-

моддасига асосан, "OHANGARON AVTOTRANS XIZMAT" МЧЖга

"Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга

ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли, 000458 рақамли лицензиянинг амал

қилиш мuddати 2016 йил 14 ноябрдан тугатилди.

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Урта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Куйи Чирчиқ тумани судининг 2016 йил 17 майдаги 89-сонли ижро варакаси асосан, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙда сақланаётган, "Мерседес-бенц 308D" русумли, давлат рақами К 416 НА бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник соҳада, оқ рангли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 67 998 176 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 20 декабрь кун соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 16 декабрь 18.00 гача. Автотранспорт воситаси билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

"REAL AUCTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар: I. Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Урта Чирчиқ тумани, Кўксарой ҚФЙ манзилида сақланаётган: 1. и/ч. йили номаслўм, дав/рақ. 10A924DA, бошланғич баҳоси - 7 662 623,67 сўм бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-5327" русумли; 2. 1981 йилда и/ч., дав/рақ. 10C840EA, бошланғич баҳоси - 3 185 573,89 сўм бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-2105" русумли; 3. 1983 йилда и/ч., дав/рақ. 10D862BA, бошланғич баҳоси - 3 840 019,99 сўм бўлган, "BA3-21033" русумли; 4. Урта Чирчиқ тумани "Агабек бек транс" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 1985 йилда и/ч., дав/рақ. 10Y574BA, бошланғич баҳоси - 4 118 040 сўм бўлган, "Ваз-21063" русумли автотранспорт воситаси билан тақдирланган қўйилмоқда. II. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Хизмат ёрдам сервис" МЧЖ босқичида сақланаётган: бошланғич баҳоси - 105 840 000 сўм бўлган, 2013 йилда и/ч., дав/рақ. 3891НУ, "Беларусь 1221.2" русумли авто-

транспорт савдога тақдирланган қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йил 1 декабрь кун соат 11.00 да ўтказилади. III. Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 26.05.2016 йилги ижро варақасига асосан: Урта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: 2005 йилда и/ч., дав/рақ. 01B742RA, бошланғич баҳоси - 23 058 623,20 сўм бўлган, "Матиз" русумли автотранспорт савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йил 19 декабрь кун соат 11.00 да ўтказилади.

транспорти билан тақдирланган қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йил 1 декабрь кун соат 11.00 да ўтказилади. III. Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 26.05.2016 йилги ижро варақасига асосан: Урта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: 2005 йилда и/ч., дав/рақ. 01B742RA, бошланғич баҳоси - 23 058 623,20 сўм бўлган, "Матиз" русумли автотранспорт савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йил 19 декабрь кун соат 11.00 да ўтказилади.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: I. Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Фуқаролик ишлари бўйича Урта Чирчиқ тумани судининг 2014 йил 25 февраль кундаги ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, "Дўстлик" маҳалласи, Баланд кўприк кўчаси, 11-уй манзили бўйича жойлашган, умумий ер майdonи 182,15 кв.м., яшаш майdonи 123,28 кв.м. бўлган, "уй-жой" савдога тақдирланган қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 70 312 000 сўм. II. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан: 2012 йил 12 ноябрь кундаги ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майdonи 881,0 кв.м., қурилиш ости майdonи 295,5 кв.м.дан иборат бўлган "дала ҳовли" биноси савдога тақдирланган қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 434 408 394 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 5 декабрь кун соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун

талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан 16.00 гача) аукцион бошланғичдан олддин (аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 5 декабрь кун соат 12.00 гача) тақдирланган савдога 2 декабрь 16.00 гача) тақдирланган. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия RR-0148.

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Урта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 20.10.2016 йилдаги 11-1604/14177-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, Уртасарой ҚФЙ ҳудудида жойлашган қурилиш ости майdonи 453,50 кв.м., умумий фойдаланиш майdonи 179,1 кв.м. бўлган бино (нотуғар) қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 320 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 22 декабрь кун соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йил 20 декабрь кун соат 18.00 гача.

Савдога қўйилган мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800000433601001, МФО 01036. ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (+99895) 193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

НИҲОЛЛАР БЎЙ ЧЎЗАВЕРАДИ

Юртимизда "йил" этган истеъдод борки, уни рўёбга чиқариш, ўғил-қизлар ўз қобилиятларини намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ташаббуси билан 2000 йилда таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти ҳам иқтидорли ёшларга ана шундай юксак эътибор ифодасидир. Шу кунларда мазкур мукофотга навбатдаги номзодларни саралаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда танловлар ташкил этилмоқда. Ушбу жараён вилоятимизда ҳам ғоят қизғин кечди.

Танлов

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра, ушбу мукофот учун танлов икки йилда бир марта ўтказилмоқда. Бу юртимизда юксак ғоявий-бадий савиядаги янги қўшиқ ва мусикий асарлар яратиш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва "Ниҳол" мукофоти-

нинг нуфузини оширишга хизмат қилаётти.

Танловнинг Тошкент вилояти босқичи ҳам мамлакатимиз

қобилиятли ёшларга нечоғли бой эканини намоён этди. Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида 18 та ша-



ҳар ва тумандан келган 29 номзоднинг эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера ижрочилиги йўналишларидаги маҳоратларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати муносиб баҳолади. Якуний ҳулосаларга кўра, Ўрта Чирчиқ туманидан Самандар Собиров ҳамда парентлик Ҳамроз Деҳқонов, Нодира Мансурова, Умида Асомидиновага республика босқичида иштирок этишга йўлланма берилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, республикада ғолиб деб топилганларга ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юртига имтиҳон ва тест синовларисиз давлат гранти асосида ўқишга кириш имконияти, "Ниҳол"нинг махсус ҳайкалчаси ва энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баробари миқдорда пул мукофоти тақдим этилади.

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

ХУМ ВА УНУМ

Бир гал шафтоли пишиғи адоғида қишлоққа борсам, Бўзтол ёнига уй солган раҳматли Олтинхон ака боғига тақлиф қилиб қолди. У кишининг боғлари тошлоқ, экин экиб бир нима ундириб бўлмайдиган, сув қуйсангиз симобдай тўхтамай югуриб кетадиган жойда эди. Ичкарига кириб қарасам, боғ гуркираб ўсиб ётибди. Олма, нок, шафтоли бошини кўтара олмай ҳосил туккан. Ёпирай дейман, чунки икки ёндаги ҳовлиларда дарахтлар мева тугиш у ёқда турсин, барг ёзишга ҳам аранг кучи етиб турибди. Бу ерда бир сир бор-ку, дея атрофга қараб турган эдим, Олтинхон аканинг ўзи ҳаммасини бир бошдан гапириб берди.

У киши мевали дарахтларнинг тағига камида уч-тўрт пақирдан сув сигадиған сопол хум кўмибди. Хумнинг тагини нинанинг тешигидай қилиб, тешиб қўйибди. Хумни сувга тўлдириб устини ёпиб қўйса, сув битта-битта томчилаб камида икки ҳафтага етар экан. Ана ҳосилу мана ҳосил.

Биз томонларда томорқага асосан олма экилади. Олмадан яхши ҳосил олишнинг йўллари кўп. Улардан бири – эрта баҳорда дарахтларни аямай бутаб, тағига ишлов бериш керак. Аямай деётганимнинг боиси бор, албатта.

Негаки, кўпчилик ўзи минг азоб билан кўкартирган мевали дарахтни бутай олмайди, новдани меъеридан кўп қолдиради. Натижада ҳосил майда бўлиб қолади. Нима қилиш керак? Бизнинг қишлоқда бунинг антиқа йўлини топишган. Икки қўшни ёки иккита боғдон бир-бирларидан илтимос қилишади:

"Оғайни, айни пайти, олмаларимни бутаб бер". Иккинчиси "хўб" дейди-да, қўлига қайчини олиб, аямай буташга тушади. Ўзиники эмас-да, жони ачишмайди. Боғнинг эгаси: "Ҳай-хай, нима қилаяпсан, ҳаммасини кесиб ташладинг-ку", дея типирчилашига қарамай кесаверадди. Охирида: "Мана, оғайни, олма-

ларингни куёв боладай қилиб қўйдим. Худо хоҳласа ҳосилнинг тағида қолиб кетсан, энди сен меникини бутаб бер", дейди. Биринчиси егини шимариб "ўч" олишга киришади, ҳосил бермайдиган нимжон, касалланган новдаларни аёвсиз қирқади. Шериги: "Ҳай-хай" – лаб туради. Бу усулни бизда "хай-хай" усули дейишади. Натижа шу бўладики, ортиқча юкдан енгиллашган тананда шохлар эркин ўсади, орасидан шамол бемалол ўтади ва ҳосил қутилганидан ҳам мўл бўлади.

Аҳмад ОҒА.



"Ҳай-хай, нима қилаяпсан, ҳаммасини кесиб ташладинг-ку..."
Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига
2017 йил учун обуна бўлишни унутманг!
Нашр кўрсаткичи – 205.



FIFA WORLD CUP
RUSSIA 2018

Гап нима ҳақида кетаётганини сезиб турган бўлсангиз керак – футбол бўйича Жаҳон чемпионатига қатнашиш йўлидан саралаш баҳсларига киришган терма жамоамиз яна мағлубиятга учради. Куни кеча бўлиб ўтган учрашувда вакилларимиз тайёр галабани қўлдан чиқариб, келгуси баҳслар олтидан мураккаб вазиятга тушиб қолди. Хуллас, оқланмаган ишонч, эрта сўнган умидлар...

Ўзбекистон футбол федерацияси МТЖга бош мураббий

тайинлар экан, аввало, Самвел Бабаяннинг ташкилотчилик ва йигитларни руҳлантириш қобилиятини назарда тутгани айтилган эди. Аммо бугун кўра-яппизки, "Шоҳ сохта экан", Самвел Вячеславович терма жамоамиз ўйинига янги ҳақ руҳ олиб кира олгани йўқ. Очиғини айтганда, юртдошларимиз Осиёнинг ўртамеёна жамоаларини бемалол мағлубиятга уратиб олиш даражасига эришмади. Бизга жамоамизга янги нафас, янги

руҳ олиб кира оладиган мураббий керак эди. Ҳақиқий куч, кўргангизидек, пешқадам жамоаларга қарши ўйинда чунона билиндики... Эрон, кейин Жанубий Корея терма жамоаси вакилларимизни тор-мор қилди. Энг ёмони, мағлубият эмас, мағлубиятнинг мулқас асосли, мантиқий бўлганидир. Зеро, ахвол шу тарзда давом этар экан, хатоларни ўзимиздан, ўйинчиларимиздан излаб ўтиришга мажбур бўлаверамиз. Аслида эса, болалар фут-

Маънавият

Болалигимизда телевизордан кўра китобга меҳримиз кучлироқ бўлганми, мактабга борадиган опа-акаларимизга ҳавас қилиб, папкаларини кўтариб юрар, китоб-дафтарларини чиқариб дарс тайёрлашса, олдиларидан айлиниб кетолмасдик. Шунда, "ма, ёзиб ўтир" ёки "расмларини кўр" деб, қўлимизга қоғоз, қалам, расмлари кўпроқ китобларини бериб қўйишарди. Вақти келиб, биз ҳам мактабга борадиган бўлдик. 3-, 4-синфларданоқ кутубхонага аъзо бўлганмиз. Биринчи ўқиган эртақ китобларимиз "Бўғирсоқ", "Қизил шапкача", "Уч оғайни ботирлар", "Зумрад ва Қиммат", "Муқбил тошотар"дан олган илк таассуротлар ҳамон хотирадан ўчмайди.

БОЛАНГИЗ КИТОБ ЎҚИЯПТИМИ?

Ҳозир эса, янги туғилган чақалоқни ҳам қўл телефони-дан тараладиган куй-қўшиқлар билан ухлатишга ҳаракат қилишади. Оқибатда, бир ёшли гўдак оддий ўйинчоқни ҳақиқий мобил телефон ўрнида кўрмайди.

Қизиқ, бу нима, замоннинг зайлими? Бўлса, бордир. Ахир, глобаллашув, тезкор ахборот асрида яшайамиз. Демак, ҳаётимизга, хонадонимизга янги-янги техника воситалари кириб келаётган бўлса, буни фақат яхшиликка йўйишимиз, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам яшаётганимиздан мамнун бўлишимиз керак. Аммо, баъзан "телба дунё"нинг ўзига яраша феъл-атвори, танганинг орқа томони ҳам мавжудлигини қайта-қайта айтиверишдан фойда бормикан? Албатта, бор! Ахир: "Туну кун оила, бола-чақа гамида юрибман", деб ўзиниям, атрофдагиларниям алдаб, аслида молу дунё ортидан қувиб, фарзанд тарбиясига панжа орасидан қарайдиганлар камми ораимизда? Кейин эса, беқўбат, бемехр фарзандлардан нолийдиганлар ҳам ўз наздида "ўта меҳрибон" ота-оналардир. Улар болаларнинг бетизгин орзу-истакларини қондириш баробарида одоб-ахлоқ гулшани эмас, худбинлик ботқоғига ботишига сабаб бўлишгаётганини билишармикан?!

Агар улардан: "Фарзандларингиз одамийлик сабоқларидан, меҳр-оқибатдан хабардор этадиган китобларни ўқийдими?" деб сўралса: "Ўйимизда компьютер, ҳар қандай китобдан кўпроқ, кенгроқ ақл берадиган интернет бор, қўлидаги "смартфон"дан дунёнинг исталган бурчаги билан уланса бўлади", дейишлари аниқ.

Аммо, улар шоиру ёзувчилар, илм-фан фидойиларининг қалб қўри, юрак тафти, кўз нуридан яралган, хоҳлаган пайтингда, ҳатто шам ёруғида ҳам ўқиса бўладиган китобларга ўхшамайди-да! Кейин, тасодифан чироқ бўлмаса, қоп-қора ойнага айлиниб қоладиган матоҳнинг бисёр афзал томонла-



Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

ри ҳам сезилмай қолади. Бу билан ноёб техника мўъжизаларини инкор этмоқчи эмасмиз. Билъакс, уни тушуниш, тўғри фойдаланиш учун ҳам фаҳм-фаросат, ақл-идрок тарбиясини китобдан бошласак, фойдадан ҳоли бўлмас.

Кўпинча китоб расталаридан бепарво ўтиб кетамиз-у, болажонлар, неваралар учун қимматбаҳо ўйинчоқлар, турли-туман керак-нокерак ширинлигу сақичларни харид қилишни унутмаймиз. Аслида, мутахассисларнинг фикрича, 3 ёшли болаларда ўқиш, ёзиш, чизишга қизиқиш, мойиллик сезилар экан. Уни вақтида илғаб, ёшига мос китобларни олиб бериш, биргаликда вақтлаб, ўқиш асносида китобга меҳр уйғотиш мумкин-ку!

Баъзилар: "Ўғлим техникага қизиқади, кечалари ҳам компьютердан бўшамайди", деб фахрланишади. Ҳатто, бўйи етган қизларига совчи келса: "Қизим компьютер шайдоси, туну кун шу билан овора, бузилса, ўзи тузатади", дейдиган "ўта замонавий" ота-оналар ҳам учраб туради ораимизда.

Шу ўринда бир воқеани келтириб ўтиш жоиз. Қизларининг ўқимишли, замонавий, маданиятли бўлишини истасан ота-она уларни ўз билганларича, барча шароитларни яратган ҳолда тарбиялашади. Алоҳида хонада пардоз-андоз, дўсту дугоналари билан бемалол ўйнаб-қулиш-

лари учун мусиқа асбоблари, "уй кинотеатри", компьютернинг сўнгги нусхаларига муҳайё. Аммо, нимагадир шу хонада китоб жавони, лоақал газета-журналлардан асар йўқ. Қўлида қимматбаҳо телефони бор шу қиз бир куни катта орзу-ҳаваслар билан келинлик либосида ўзга хонадонга кириб борди. Аммо, "остонаси тилло" хонадон унга икки ойгина чидади. Кейин: "Қизингиз бизга тўғри келмайди, тарбияси йўқ, оддий муомалалардан асар йўқ", деб ташлаб кетишди. Улар келини: "Ношуд, на эрни эплайди, на уйни, лоақал айтганингга кўнмайди, тантиқ, эркатой, туну кун қўлидан телефон тушмайди", дея айблашди.

Орадан вақт ўтиб, янги туғилган чақалоқнинг шарофати билан эр уйига қайтиб борган келин, энди баттар телефонига ёпишиб олди. "Хонасига кириб, ичидан қўлқалаб олади, – дейди қайнона зорланиб. – Қимлар биландир тинмай гаплашади, бола ийглаб ётса ҳам қарамайди..."

Хулоса шуки, инсонни ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза юритишга ўргатадиган энг мақбул восита – китоб. Болаларни китоб ўқишга ўргатган, унга меҳр уйғотган ота-она, албатта, солиҳ фарзанд камолини кўриш бахтига эришади...

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҚИРҚ УЧ ДАҚИҚАЛИК ҒАЛАБА

Кечаги ўйинни томоша қила туриб, кўнглингиздан шундай фикр ўтган бўлса, ажаб эмас. Кетма-кет мағлубиятлар, кўпол тактик-техник хатолар, ўртоқлик учрашувлари ўтказишдаги сансалорликлар... Хуллас, баъзилар томонидан тарихдаги энг кучлиси дея аталётган бугунги терма жамоамиздан муҳлисларнинг ҳафсаласи пир бўлиб бормоқда.

болидан бошлаб, профессионал клубларга бўлган жараёни янги асосларда йўлга қўйиш вақти аллақачон етган.

Футболчиларнинг ёшини камайитириб кўрсатиш, тарафқашлик, келишилган ўйинлар ҳақида очик-ошкора гап-сўзлар бўлганидан кейин ҳам айтарли ислохотларга қўл урилгани йўқ. Лекин қачонга-ча?.. Муҳлислар нима бўлишидан қатъи назар, терма жамоага ишонишда ва уни қўллаб-қувватлашда давом этадилар. Қандайдир ҳисоб-китобларга кўра, бизда ҳалиям имконият бор. Бироқ, факт шуки, Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги икки асосий рақибдан ортда бормоқда. Гуруҳи-



KOREA REPUBLIC 2-1 UZBEKISTAN

миздан Жаҳон чемпионатиға фақат иккита терма жамоа йўлланма олишини назарда тутадиган бўлсак, энди бўёғига Хитой билан Суриянинг "қошқовоғи"га қараб, пешқадамларнинг қўқилишини қутиб ўтириш ёқимли машғулот эмас, ҳар ҳолда. Лекин бунга қўниқисга мажбурмиз. На чора...

Беход ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЖЧ – 2018 саралаш.
"А гуруҳи, 5-тур.
ЖАНУБИЙ КОРЕЯ – ЎЗБЕКИСТОН – 2:1
ГОЛЛАР: Нам Тэ Хи (68),
Ку Жа Чол (85) – Марат Бикмаев (25).



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маъзиллими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ